ТУРИЗМДА ҲАВФСИЗЛИКНИ ТАЬМИНЛАШГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ҲУСУСИЯТЛАРИ

Бобур Муҳаммадали ўғли Турдалиев
Ўзбекистон Давлат Жисмоний Тарбия ва Спорт университети Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада, “хавфсизлик” тушунчасининг турли тасниф ва кўринишлари ҳамда унинг категорияларга бўлиниши келтириб ўтилган. Мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашда туризмни тутган ўрни ҳамда “хавфсизлик” ва “туризм” нинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ва миллатлараро ўзаро ишонч хиссини уйғотиш омили эканлиги келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: туризм, миллатпарварлик, хавфсизлик, ишонч

CHARACTERISTICS OF SECURITY TERMS IN TOURISM IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

Bobur Muhammadali ugli Turdaliev
Teacher of the Department of Foreign Languages, Uzbek State University of Physical Culture and Sports

ABSTRACT

The different types of definitions of the term of “safety” and classification were given in this article. Besides that, the mutual relation between the “tourism” and “safety”, the special role of tourism in strengthening the interrelations among the countries and increasing the spirit of confidence between nations.

Keywords: tourism, nationalism, security, trust

КИРИШ

“Хавфсизлик” тушунчасининг илмий адабиётларда турли таърифлари келтирилган. Жумладан, В.И.Даль хавфсизлиги “хавфдан холи бўлиш, хавфсизлик, ишончлилик” деган маъноларни англатса, Изоҳли луғатларда “хавфсизлик” термини “таҳдид ва хавфдан холи бўлиш” деган маъноларга эгалиги кўрсатилган.

Хавфсизлик терминининг шу каби маъноларида туризм соҳасига нисбатан кўлланилганда ҳам кўпроқ маъно англатишини кўриб чиқамиз. Халқаро ва ички ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш натижасида, ушбу ҳужжатларда туризм тушунчаси [1]“дам олиш, иш юзасидан ва бошқа мақсадларда, бир йилдан узоқ бўлмаган маълум вақт оралиғида ўзининг яшаш ҳудудидан ташқари жойларда бўлиши ва саёҳат қилувчи шахс фаолияти” кўринишда энг кенг тарқалган тушунча эканлиги маълум бўлди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Туризм шу каби кўринишда Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги қонунида ҳам [2]“туризм — жисмоний шахснинг вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) манбаалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)” белгиланган.

“Туризм” ва “хавфсизлик” тушунчалари бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ. Бошқа томондан, туризм ишончли хавфсизлик тизимисиз мавжуд бўла олмайди. Шунингдек, “Тинчлик ва туризм” деб номланган Сеул деклорациясида, [3]“туристларнинг хавфсизлиги ва ҳимояси Халқаро туристик ташкилотига аъзо ҳар бир мамлакат учун асосий вазифалардан бири бўлиши керак. Туристлар ҳамда туризм соҳасида ишловчи ходимларга нисбатан содир этилган хар қандай жиноятлар, таҳдидлар, одам ўғирлаш ва террористик актлар, булардан ташқари, туристик ва тарихий-маданий меъросларнинг вайрон қилинишига бўлган ҳаракатлар хар бир мамлакатнинг қонунчилиги доирасида жавобгарликка тортилиши керак” деб белгилаб қўйилган.

Бошқа томондан, “туризм ўзгармас ва миллатлараро маданий алоқаларни ва инсонлар ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатларни ҳар томонлар ривожлантиради. Шу сабабли туризм, бутунжаҳон миллатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро англашув ва ишонч муҳитини яратиш билан бирга халқаро хавфсизликни таъминлайдиган омилдир”.

Давлат туристик агентликларининг етакчи мутахассислари ҳам илмий адабиётларда таъкидланишича, миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви ҳамда жамиятнинг ижтимоий бўлиниши замонавий шароитларда туризмнинг такомиллашишига тўсиқ бўлувчи таҳдидлардан энг асосийлари ҳисобланади. Ушбу таҳдидлар қаторига қуйидагиларни қўшиш мумкин.

[1] БМТ Статистика комиссияси низоми. – Ню Йорк, 1993 й.

[2] Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги қонуни. 1-боб. 3-модда

[3] 2001 йил 27 сентябр куни Халқаро туризм ташкилоти томонидан қабул қилинган “тинчлик ва туризм” деб номланган Сеул деклорацияси

НАТИЖАЛАР

1. Иқтисодиётнинг инқирозли ҳолати, бунда ишлаб чиқаришнинг қисқариши, қишлоқ хўжалигидаги турғунлик, бюджет даромадларининг камайиши, туризмда инвестиция кўрсаткичининг пасайиши ҳамда туристик бозорни хорижий компаниялар ихтиёрига ўтиши назарда тутилади.

2. Туризмга ижтимоий соҳанинг таҳдиди, қашшоқлик даражасида истиқомат қилувчи инсонлар миқдорининг ошиши, жамиятнинг бойлар ва қашшоқлар қатламларига бўлиниши, туғилиш кўрсаткичи камайиши ва ўлим сони ошиши, маънавий ва маданий эхтиёжларнинг ўсишидаги етишмовчиликлар ҳамда фуқароларнинг туристик салоҳиятининг пасайиши каби таҳдидларни ўз ичига олади.

3. Экологик холатнинг пасайиши таҳдиди, ёқилғи-энергетика соҳасининг ўсиши, чиқиндисиз ишлаб чиқаришнинг етишмаслиги, зарарли моддаларни худудларда сақланиши ва экологик зарарли ишлаб чиқаришни жойлаштирилиши, аҳолининг паст экологик маданият кўрсаткичи, техноген вазиятлар хавфининг ошиши ҳамда хавфсиз туризм учун яроқли худудларнинг қисқариши орқали келиб чиқади.

4. Мамлакат бирлиги ҳамда худудий яхлитлигини бузувчи таҳдидлар, этно-эгоизм, этно-центризм ҳамда шовинизм каби миллий шаклларида, аҳолининг умумий миграциясида, туристларни қўрқувга солувчи террористик актларда акс эттиради.

5. Ижтимоий муносабатларнинг криминаллаштириш хавфи аҳолининг қашшоқланиши, жиноятларнинг жазосиз қолиши, коррупция, куч тузилмаларининг жиноий олам билан бирлашиши ҳамда туризм соҳасига криминал элементларнинг кириб бориши билан шаклланади.

6. Миллатнинг жисмоний соғлиғига таҳдид, ўртача умр кўришнинг кўпайишида, инсонлар соғлиғининг паст кўрсаткичида, демографик пасайишда, юқори травматизмда, замонавий тиббий ёрдамнинг йўқлигида ҳамда сайёҳларга тиббий хизматларнинг етишмаслигида намоён бўлади.

7. Туризмга халқаро доирада ҳам таҳдидлар мавжуд.

Ушбу таҳдидлар мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида тўсиқ хосил бўлишида, ички зиддиятларнинг қўзғотилишида, ҳудудий даъвогарлиликда, интеграция жараёнларининг секинлашувида ҳамда визасиз ташрифларнинг таъқиқланиши ва бошқаларда намоён бўлади”.

МУҲОКАМА

Булардан ташқари, ҳозирги кунда, мавжуд илмий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида, туризм соҳасида хавфсизликнинг турли кўринишлари маълум бўлмоқда. Жумладан:

1) Туризм соҳаси таркибига кирувчи элементлар турлари бўйича:

-туризм субъектлари хавфсизлиги (сайёхлар, тадбиркорлар, туризм индустрияси хизматчилари, туристик худудлар аҳолиси хавфсизлиги);

-туристик маҳсулотлар ва объектларнинг хавфсизлиги (туристик ресурсларнинг хавфсизлиги, инфраструктура ҳамда туристик индустрия объектларининг хавфсизлиги);

-туризмнинг барча элементлари ўртасидаги тизим хосил қилувчи алоқалар хавфсизлиги;

2) Туризм соҳасидаги объектларнинг хавфсизлиги:

-инсон, жамият ва давлат хавфсизлиги;

-атроф-муҳит хавфсизлиги;

3) Туризмда муносабатларни тартибга солувчи соҳалар хавфсизлиги:

-шахсий туризм хавфсизлиги;

-жамоат (жамоавий, давлат) туризми хавфсизлиги;

4) Хавфсиз туризм соҳасидаги кўрсатиладиган хизматлар хавфсизлик;

–хизматлар хавфсизлиги (транспорт, харакатланиш воситалари, жамоат овқатланиш жойлари, сайёхлар кўнгил очар масканлари ва бошқа худудларда);

-функционал хавфсизлик (техник, ёнғин хавфсизлиги, экологик, информацион, санитар эпидемиологик ва бошқалар);

5) Халқаро туризм хавфсизлиги таъминлашга оид барча тадбирларнинг олдини олиш хусусан:

-ички;

-ташқи;

6) Туризмни ташкиллаштириш бўйича:

- ташкиллаштирилган туризмда хавфсизлик;
- ташкиллаштирилган (шахсий) туризмдаги хавфсизлик;

Е.Л.Писаревскийнинг асарларида кўрсатилган типологизация тизимларида ҳамда Н.П.Бгатовларнинг замонавий ва умумий қўллаш учун

тақдим этилган илмий тадқиқотларида таъкидланган фикрлардан келиб чиқилган.

ХУЛОСА

Шу тариқа, ушбу мақолада кўплаб замонавий тадқиқотчиларнинг ғояларига таянган холда “хавфсизлик” ва “туристик фаолиятда хавфсизлик” тушунчаларини намойиш қилиш билан биргаликда, туризмда хавфсизликни таъминлашга оид барча фикрларни келтириб ўтдик. Бундан ташқари туризм соҳасидаги “хавфсизликни таъминлаш” тушунчасига аниқлик киритилди.

REFERENCES

1. Джалилова, М. И., Тажибаев, С. С., & Джалилова, Л. А. Правовые основы олимпийского образования учащейся молодёжи. In *Актуальные проблемы правового регулирования спортивных отношений (16 апреля 2020 года)–материалы X международной научно-практической конференции, посвящённой 50-летию Уральского государственного универси-тета физической культуры: Челябинск, 16 апреля 2020 года/Под ред. СА За-харовой.–Челябинск: Уральская Академия, 2020.–246 с.* (p. 218).

2. Туробов, Ҳ. (2021). Национальная система массового вовлечения всех слоев населения в спортивно-оздоровительную деятельность. *Academic Research in Educational Sciences*, *2*.

3. Бердиева, Ч. А. (2021). Жисмоний имконияти чекланган талабалар организмининг функционал ҳолатини баҳолаш усули. *Academic Research in Educational Sciences*, *2*.

4. Давлатова, Л. Т. (2021). Болалар церебрал фалажида жисмоний тайёргарликни машғулот жараёнида ва илмий назарий соҳада ривожлантириш. *Academic Research in Educational Sciences*, *2*.

5. Тажибаев, С. С., & Серебряков, Ю. В. (2015). Динамика общей и специальной физической подготовленности боксеров юношей, занимающихся боксом на этапе начальной спортивной специализации. *Молодой ученый*, (2), 109-111.

6. Miryunusovna, Z. G. (2020). Selecting criterias of talented preschool children for the forming of sports reserve in swimming. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* , *8*(2).

7. Matnazarov, X. Y. (2020). Influencing factors for selecting effectiveness of talented swimmers on swimming sports. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(3), 41-44.

8. Farkhodovich, I. B. (2020). Development of balance in young kayakers in the initial stage of training. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(2), 66-70.
9. Azimov, Z. N. (2020). Research Of Training Loads On The Simulator “Concept-2” In The Preparation Of Youth In Academic Rowing. *The American Journal of Applied sciences*, *2*(11), 104-109.
10. Давлетмуратов, С. Р. (2020). Тренировочные нагрузки хоккеистов в подготовительном периоде. *Фан-спортга*, (4), 33-34.
11. Давлетмуратов, С. Р. (2020). Физическая работоспособность в годичном цикле подготовительного периода подготовки квалифицированных футболистов. *Фан-спортга*, (3), 10-13.
12. Ходжамқулов, У. Н. (2020). ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ (ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МИСОЛИДА). *Academic Research in Educational Sciences*, *1* (4), 537-547.